




["Юзга юз минг"  
кампанияси?](#)



[Тарихий фильм  
- Мохара](#)



[Ўзбек  
мухолифатининг  
Кунсткамераси  
Хақида](#)



[Сиёсий  
масхарабозларни  
янги номери](#)

18 July 2018

09:15 - [Дадаҳон Ҳасан: Таржимаи ҳолим маним \(1-қисм\)](#)



Туғулганим тўғрисидаги гувоҳномада ёзилишича, мен 1940 йилнинг 15 март кунда Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги Араптепа қишлоғида туғулган эканман. Орадан ўн тўрт ой ўтгач, Иккинчи Жаҳон уруши бошланган экан, Дадам Шокиржон Ҳасановнинг ёши 38 да эканига қарамасдан 1942 йил май ойида урушга олиб кетилганлар, Дадам 1943 йил 15 март куни Руссиянинг Великий Новгород вилоятидаги Залучи районига қарашли Шотова қишлоғида немис босқинчиларига қарши бўлган жангларда ҳалок бўлган эканлар. Онамдан дадам қани деб сўраганимда онам менга дадангни урушга Райком Шодиев жўнатиб юборган деб жавоб берган эдилар, ўша ўша Райком Шодиевнинг виллис мошинаси кўчамиздан ўтганида мошинага қарата тош отадиган бўлганман.

Уруш йилларида оч ночор ғариб бир аҳволда умр ўтказганимиз ҳали ҳануз эсимда. 1947 йил қишида мен етти яшар бола қолхоз даласида киш фаслида кўсак терар эдим, шунда бир одам, бизларга яқин келиб, мана кўринглар янги пул чиқибди деди. Мен яқинда сўраб суруштирсам ўша пул янги бўлиш воқеаси 1947 йил биринчи декабр кунни экан. Ўша пул 1961 йилга қадар муомалада бўлди. Мен ўшанда кун бўйи терган кўсагим пулига, ўша кун кечроқ туман марказига бориб бир қора буханка нон олиб келардим ва музлаб қолган қора нонни сандалга қўйиб иситиб уни танаввул қилар эдик. Мен ўша қора буханка нонни олиб келмаганимча уйимдагилар оч наҳор, туз татмай мени кутиб ўтиришар эди. Эртадан то кечгача терган кўсакнинг пулига бир буханка кора булка нон берарди. Жўҳори ва макка унининг хаами ёйилмас эди, уни думалоқ ҳолида тандирга ёпилаверар эди. Эллагинчи йилларга қадар буғдой нон булмаган, фақат жўҳори ва макка ундан қилинган нон бўларди. Буғдой нонни эса эллагинчи йиллардан сўнгра кўрдик.

Қишлоғимдаги етти йиллик мактабни битириб Қўқондаги Темир Йўлчилар билим юртига ўқиш учун ҳужжат топширдим. Менинг билан бирга менинг қариндошим Қосим Чўянов ҳам бор эди. Аммо ҳали ўқиш бошланмай туриб бир ўрис болани уриб бурнини пачақлаганим боис менинг ҳужжатларимни қўлимга тутқизишиб, "бор қишлоғинга пахтангни теравер" дейишди. Қариндошим Қосим Чўянов ҳам менга қўшилиб ҳужжатларини қайтариб олди. Автобуга бергани чўнтагимизда пулимиз йўқ. Қўқондан Масалска бекати орқали Олтиариқдаги қишлоғимизгача пиёда келганимиз эсимда...

Қишлоғимизда ўрта мактаб йўқлиги боис, ўнинчи синфни Олтиариқ туман марказидаги Пушкин номли биринчи сон ўрта мактабда тугатдим. Журналист бўлиш ниятида Тошкент Давлат Университети Журналистика факултетига ҳужжат топширдим. Бу 1959 йил эди. Ўзбек тили ва адабиёти фанидан иншони тўғри ёза билмаганим боис ҳужжатларимни қайтариб олдим. Ўшанда адабиётдан иншони кейинчалик шоир деб танилган Омон Мухторов билан бир столда ўтириб ёзган эдим. 1960 йилда ҳам юқоридаги нохуш ҳолат такрорланди, бу сафар мен биринчи кириш имтиҳони бўлган адабиётдан иншони Эгамназар Худайназар исмли йигит билан бир ўриндикда ўтириб ёзган эдим. Иншони Саида опа Назруллоева олган эдилар. Саида опа Эгамназар Худайназаровнинг ёзган иншосини аудиторияга қириб келган ўқитувчиларга яхши ёзилган иншо деб кўз кўз қилиб мақтагани ҳали ҳануз кўз ўнгимда. Ниҳоят мен ҳам шундай иншо ёзаман деб аҳд қилган эдим ўшанда.

1961 йили эса қаттиқ тайёргарлик кўрганим эвазига кириш имтиҳонларидан муваффақият билан ўтиб, атестатсия кўригидека деканимиз домла Лазиз Пўлатович Қаюмовнинг тавсияси билан Журналистика факултетининг кундузги бўлимида ўқишга кирдим. Биринчи курсда ўқиб юрган пайтларимдаёқ Аҳмад Яссавий, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориф ва Рауф Парфиларни танидим. Буларнинг ўзимга ёққан шеърларини қўшиқ қилиб куйлай бошладим. Абдулла Ориповнинг "тўлғаниб гул очилур боғларни гулзор эттали", Рауф Парфининг "Лайло" шеърини куйга солиб куйлайбошлаган эдим.

Куйлаш менинг қонимда бор эди, туғушган акам Алижон Ҳасанов мумтоз халқ қўшиқларини классик мақом куйларимизни маромига етказиб ижро этувчи халқ хофиси эди. Университетнинг дастлабки йилларида ўқиб юрган пайтларимда мен ўз қўшиқларим билан Университет доирасида анча танилиб қолган эдим. У пайтда Рауф Парфи - Рауф Парфи эмас, Турсун Парпиев эди, у ҳали шоир бўлиб шаклланмаган, танилмаган эди. 1975 йиллардан бошлаб у шоир Рауф Парфи бўла бошлади.

Иккинчи курсда ўқиб юрган пайтларимизда Ўзбекистон халқ артисти моҳир рубобчи Қобулжон Усмонов раҳбарлигида факултетимизда бадий ҳаваскорлик тўғараги иш бошлади. Иктидорлик талаба ўғил қизлар тўғарака қатнашиб қўшиқ айтардик, соз чалардик. Ўша тўғарақнинг машғулотларида мен Рауфга рубобда Муножот куйини чалишни ўргатган эдим. Тўғарақ машғулотларида қатнашиб юрган кунларнинг бирида ўша вақтдаги Турсунбой Парпиев менга "Яна пайдо бўлдим йўлингда" сарлавҳали шеърини кўрсатиб, қўшиқ қилса бўладими деган эди. Шеърни кўриб қўшиқ қилса жуда бўлади-да дегандим ва уни шу ернинг ўзида куйга солиб ғинг қилган эдим. Сўнгра унга нақорат қўшган эдим.

## Муҳим хабарлар

29 August 2018 14:20

Шавкат Мирзиёев Худонинг ердги сояси эмас, Худонинг ўзи: У фақат тутзорларни кенгайтиришни эмас, Ўзметкомбинатни қандай ривожлантиришни ҳам би...

28 August 2018 07:27

Парламент сайловларида Туркиянинг сиёсий саҳнасига ўзбек асли Аҳат Андижон қайтадан чиққанди, "Бирлик" лидери Абдураҳим Пўлат уни табрикла...

10 July 2018 15:16

"Ҳаракат" хатқутисидан: Қирғизистон дефолт бўлибди, ўзбеклар бундан фойдалансин. "Ҳаракат": Икки давлатнинг аҳволи бир хил дабдала!

09 July 2018 19:49

Шавкат Мирзиёевга навбатдаги шалалоқ: Афғонистон ҳарбийлари 38 нафар террористни йўқ қилишибди. "Ҳаракат": Шавкат Мирзиёев истеъфога кетиши кера...

08 July 2018 15:46

Абдураҳим Пўлат: "Озодлик" радиосининг аҳмоқлиги ва Миртемир Мирабдулланнинг гўёки мустақиллик учун кураши

[arxiv](#)

## "Юзга юз минг"

### кампанияси

13 October 2012

Ҳаракат-Эзгулик-Бирлик: Бизга ёрдам беринг, ҳомийлик қилинг! Donate, please!

07 October 2012

Яна бир масхарабозча хабар: Киши бошига хайрия ёрдами олишда "Бирлик" ҳали ҳам Обамадан олдинда

29 September 2012

Абдураҳим Пўлат: Сорос Обамага сайлов компанияси учун \$1 млн спонсорлик ёрдами берди, ўзбеклар ҳам "Бирлик"ни эсдан чиқармаяпти

05 May 2012

Университетни тугатгач, ўша вақтдаги Совет Ўзбекистони газетасининг бош муҳарири журналист ва ёзувчи Мақсуд Қориев мени газета редакциясига ишга таклиф этди. Мен у ерда кўп ишлай олмадим. Мени кўшиқчилик ўз домига тортиб улгурган эди.

Мен 1961 йилнинг кузида Университетнинг биринчи курсида ўқиб юрган пайтларимдаёқ Туркистон аталмиш буюк ва муқаддас ўлкамиз аввал Чор Руссияси, сўнгра Совет давлати тамонидан зўрлик билан босиб олинганлигини ва биз унинг колонияси эканлигини англаб етганман. 1961 йил охирларида факултет қошида “Ҳамзачилар” деган уюшма ташкил қилган эдик. Биз уюшмачилар асосан совет ғояларига хизмат қилмайдиган асарлар ёзиб, уни “Ҳамзачилар” номли деворий газетамизда эълон қилар эдик. Уюшманинг мақсад моҳияти эса асосан биринчи галда ёш авлодга Туркистонни танитиш ва уни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш эди. Албатта секин аста ривожланиб, товланиб, шаклланиб орадан ўнбеш йигирма йиллар ўтиб охир оқибат мустақиллик учун курашни, яъни миллий озодлик курашини бошлаш эди. Бу менинг орзуим эди.

Уюшманинг доврўғи тез кунларда Тошкент шаҳри бўйлаб тарқалиб кетди. Уюшмага Тошкент шаҳридаги барча Олий Ўқув юртларидан талабалар келабошлади. Қатнашувчилар сони кун сайин ортиб борарди. Бизга Октябр район маданият уйидан жой ажратиб беришди, бу воқеалар албатта уйғониш ва англаш даврининг бошланишидан дарақлар эди. Афсус, уюшмамизнинг умри узоққа бормади. У ҳаммаси бўлиб бир йил яшади. Ниҳоят Совет КГБсининг зарбасига учраб тугатилди. Уюшманинг раиси Бўка туманилик Собир Холбеков бир ой бадалида КГБ идорасида сўроқ қилинди. Мен уч кеча кундуз зиндонда ётдим. Кеч қоронғу тушган пайт эди, ижара уйимга уч киши келишиб, биз билан юрасан сенда ишимиз бор деб, кўзимни боғлашиб мени олиб кетишган эди. Ярим соатча юганимиздан сўнг мени пастликка қараб туширишди ва бир хонага киритишиб кўзимдаги қора парчани олишди, эшикни ёпиб чиқиб кетишди. Бу совуқ хона қамоқхона бўлса керак, мен шу ерда уч кеча кундуз истиқомат қилдим. Ниҳоят бир татар башара одам келиб менинг пешонамга тўппонча кадаб, татарча сўзлаб “Яна “Ҳамзачилар”га борсанг, мана шу таппонча билан сени ўзим отаман” деди. Мени яна мошин билан ижара уйимга элтиб қўйишди. Шу билан ниҳоят “Ҳамзачилар” уюшмаси ҳам якун топди.

1964 йилнинг охирида Бўка туманидаги пахта йиғим теримидан қайтганимиздан сўнгра Ўзбекистон дўлат радиоси овоз ёзиб олиш муҳаририятида муҳаррир болиб хизмат килувчи шоир акамиз Анвар Исроилов мени қидириб топиб, эртага радиого боришимни, “Лайло” кўшиғимни унолги тасмасига ёзиб олишлари кераклиги хабарини айтди. Унгача мен “Лайло” кўшиғимни Бўка тумани Мичурин номидаги колхозни пахта далаларида талабаларга куйлаб юрардим, баъзида кундузи пахта териб оқшом пайти мушоира кечалари уюштирардик, шоирлар шеър ўқишарди. Мен албатта “Лайло”ни куйлар эдим.

Ўзбекистон радио сўмитасидан Рустам Раҳмонов бошчилигида келган “Ёшлик” радиосининг журналистлари бу лирика кечамизни унолги тасмасига ёзиб олишарди ва эртасга “Ёшлик” радиоси эфирида мушоира ва менинг айтган кўшиғим янгради эди. Шу боисдан бўлса керак менинг номим факультетда кўшиқчи сифатида анча танилиб қолган эди. “Лайло” кўшиғим айниқса талабалар орасида машхур кўшиқча айланган эди. Кейинчалик бу кўшиғимни Республикамизда ном чиқарган ҳофизлар ҳам куйлайдиган бўлди. “Лайло” кўшиғим ғоятда оммалашган эди, пахта йиғим теримидан қайтиб келган кунларимиздан бирида, декабрь ойи охирлари эди, шекилли, рубобчи устоз акамиз Қобулжон Усмонов ғижжакчи Шовкатжон ака ва доирачи студент Ғофиржон, демак, уч созанда журлигида овоз оператори Набижон Ҳасанов раҳбарлигида радио кўмитанинг катта студиясида унолги тасмасига 1964 йилнинг декабрь ойи охирларида ёзилган эди. 1965 йил январ ойи бошларидан бошлаб “Лайло” кўшиғим Ўзбекистон давлат радиоси эфирларида янграй бошлади.

Етмишинчи йилнинг бошларида Тошкентдаги Свердлов концерт залида Лениннинг туғулганига 100 йил толиши муносабати билан “Ленинни шарафлаймиз” шиори билан бўладиғон концерт ҳамда шоир ёзувчилар билан учрашув кечасида иштирок этиб, кўшиқ куйлашга таклиф этишди. Менинг исми фамилиямни афишага ёзиб қўйишган экан. Кеча ҳали бошланмай туриб концерт залида кўй чув тўполанг бошланиб кетди. Тамошобинлар оғзида “Дадахон, Дадахон” ва қарсақбозлик, вазият ёмон тамонга ўзгариб кетди. Иззат Султон, Комил Яшин, Уйғун, Назир Сафаров, Ҳамид Ғуллом, Рамз Бобожон, Раҳмат Файзий, Шердин, Акмал Пўлат, Туроб Тўла, Ўткир Рашид деган шоир ёзувчи олимлар бу кеча Ленин ҳақида бирон оғиз сўзлаб олмай алам ичида сахнани тарк этишга мажбур бўлишди. Мен ўша “Ленинни шарафлаймиз” деган кечада икки соат ўзимнинг ижтимоий, марифий ҳақиқат кўшиқларимни куйлаб кечани якунладим. Концерт тугагач, Свердлов концерт залининг ўша пайтдаги директори Дадаали Соатқулов кўлимдан ушлаб, “Ука энди бундан буёғига эхтиёт бўласан, булар сени ғажиб ташлашлари мумкин. Дўшманинг кўпайди” деган эди.

Орадан бир ҳафта ўтар ўтмас, Совет Ўзбекистони газетасида мени аёвсиз танқид қилиб Ўткир Рашид имзоси билан фелетон чиқди. Менинг шухратим кун сайин ошиб борарди. Мени ниҳоят Ўзбекистон Филармониясига ишга таклиф қилишди. Мен у ерда иш бошлар эканман, концертларда ижтимоий темаларда ўз шеърларимга ўзим куй басталаган, ҳақиқат кўшиқларимни айтабошлаган эдим. Менинг куйлаётган кўшиқларим “Жаннатмакон ватаним”, “Қулган бошқалардир, йиғлаган менман”, “Ватан сени озод кўрсам”, “Она Туркистон”, “Амир Темура бобомиз ва озодлик ҳақинда эди. Шулар қаторида Чўлпон, Рауф Парфи, Абдулла Ориф ҳамда Туроб Тўла шеърлари билан айтган кўшиқларим ҳам бор эди. Менинг куйлаган ижтимоий маърифий ва сиёсий кўшиқларим эшитувчилар учун мутлоқ янглик эди. Шу боис кўшиқларим эл орасида тез тарқала бошлади. Обрўйим кун сайин ортиб борарди.

1971 йилнинг баҳорида Усмон Юсупов исмли фелетончи менинг кўшиқларим, айниқса, ижтимоий ва диний кўшиқларим омма орасида тез тарқалиб кетаётганини, бу кўшиқлар Эскижува бозорида сотилаётганлигини танқид қилиб, “Лентадаги оғулар” сарлавҳали фелетон эълон қилди. Оқибатда мени Собир Раҳимов район прокуратурасига чақиришиб, терговчи Хусан Мамадалиев бир йил бадалиди тергов қилди. Мен ўшанда Шароф Рашидов шарофати билан қамалмай қолган эдим.

1974 йил 11 февраль кунги ўз концертимнинг бошланишида:

“Амир Темура жонгирим, Султоним,  
Туркистондир маним асли маконим.”

ва:

“Кўзингни оч ўзбегим уйғон энди ён эди,

Абдураҳим Пўлат: Барак Обама ўз  
сайлов кампанияси учун киши  
бошига 150 доллардан пул йиғибди,  
биз 500 доллардан йиғдик

[arxiv](#) 

## Ақтуал мавзу

02 August 2018

Юсуф Жума. Халқ ва оқ эшак

25 June 2018

Хуқуқ ҳимоячиси Исроил  
Ризаевнинг Ўзбекистон Президенти,  
БМТ ва ЕХҲТ ваколатхоналарига  
МУРОЖААТНОМАСИ (Шикоят  
тартибида. Очиқ хат) - 2-чи қисм

25 June 2018

Хуқуқ ҳимоячиси Исроил  
Ризаевнинг Ўзбекистон Президенти,  
БМТ ва ЕХҲТ ваколатхоналарига  
МУРОЖААТНОМАСИ (Шикоят  
тартибида. Очиқ хат) - 1-чи қисм

06 February 2017

Шавкат Мирзиё: “Ўзбекистон  
Республикасини янада  
ривожлантириш бўйича ҳаракатлар  
стратегияси тўғрисида” фармон

[arxiv](#) 

## Тарихий фильм

08 October 1989

Можаро

[arxiv](#) 

## Абдураҳим Пўлат

31 October 2012

Ўзбекистон инқилобий  
ўзгаришларга муҳтож, буни фақат  
“Бирлик” қилолади

24 June 2012

Миллат сифатимизни тезроқ  
тиклаш учун одатда айтилмайдиган  
ва ёзилмайдиган нарсаларни  
айтишга ва ёзишга мажбурман

06 January 2012

Шерали Жўраевдан кейин Салай  
Мадамнинг ҳам яккамоҳовга  
айлангани табиийдир!

07 August 2011

Жиноят деса бўладиган даражадаги  
хатолар қилаётган Обидхон  
Қоридан лидер чиқмайди

[arxiv](#) 

**Ҳаракат  
журналининг  
архиви**

Кўшил бизнинг сафларга майли кетса жон энди."

деб кўшиқлар айтганимда концерт залида қий-чув тўполанг, бақир қақир чапакбозлик бошланиб кетган, томошобинлар Амир Темури, Туркистон атамагарини сахнадан биринчи бор эшитиб, ғоят ҳаяжонланиб, жўшиб кетишган эди. Бундай ҳолатдан кўриб кетган КГБ ходимлари концертни тўхтатиб кўйишган эди. Стол стуллар ўриндиклар синиб томошобинлар сахналарга чиқиб кетишган эди, чунки концерт бир неча бор тўхтатилиб бир неча марта қайта бошланганди. Ниҳоят Свердлов концерт залини мелисия наряди ўраб олганди. Мени эса Ленин район ички ишлар бошқармасига олиб кетишди. Мени у ерда суд қилишиб ўн беш кеча кундузга ҳибс этишган эдилар.

Ўша кунлари мен қамоқхонада ётган кунларнинг бирида, мени Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи генерал майор рутбасидаги Ислом Сатторов қақиртириб, "Туппа тузик йигит экансиз, нима силасиз Амир Темури, Туркистон деб кўшиқ айтиб, ўзингизни "кўларинг", "лабларинг", "туғмача" ва "Лайло" деган кўшиқларингизни айтиб юравермайсизми? Агар яна Туркистон, "Темури бобом, султаним" деб кўшиқ айтсангиз сизни менинг ўзим узоқ муддатга қаматтириб юбораман", деб мени қаттиқ огоҳлантирди ўшанда. Шундан кейин ҳам шу ҳақиқат кўшиқларимни айтиб юравердим. Менга бошланган турли шаклдаги ҳужумлар эса тинмай давом этаверди, фелетонлар ҳам.

Совет даврида радиога кўшиқ ёздириш мен учун ғоят мураккаб кечар эди. Ҳар қандай кўшиқ албатта радио қошидаги Бадий кенгаш кўригидан ўтказилиб, сўнг унолги тасмасига ёзиб олинар эди. Мен ҳар сафар ҳамма қатори Бадий кенгашга кўшиқ олиб келганимда менинг кўшиқларим кенгаш кўригидан ўтмасди. Сўнгра мен бир тадбир уйлаб навбатдаги кўриқка бориб, Ленин ҳузурда кўшиқ айтурман деган радиолга кўшиқ таёрлаб келдим. Бироқ бу кўшиғим ҳам Бадий кенгаш кўригидан ўтмади, шунда устоз Ғанижон Тошматов менга қараб туриб: "Дада, сенинг Ленин ҳақида кўшиғингни ҳам булар ўтказишмади, бетда бир гап борга ўхшайди" деган эди. Халқ шоири Туроб Тўла эса, "Сиз кўшиқчиликка янги ҳаво олиб келгансиз. Сизни булар тушунмаяпти" деган эди. Кейинчалик менга қўйилаётган бундаин таъқиб тўсиқларнинг сабаби нимадалигини ўрганиб суруштириб билсам, матбуот, радио-телевидение ва нашриёт раҳбарларига КГБ идораси тамонидан Дадахон Ҳасанов пропаганда қилинмасин деган қатъий буйруқ берилган экан.

Етмишинчи йиллардан бошлаб эса, Россия Чор ҳукумати ва Совет давлати тамонидан Туркистон халқларига юритилган босқинчилик калониал сиёсатга қарши кўшиқлар ижод қилиб, уни кенг омма орасида куйлай бошладим: "Ёв бостиё, ёв бости", "Пўлатхонни ўлдирди Оқ подшо жаллодлари", Курбонжон додхо ҳақида, Дукчи Эшон ҳақида кўшиқлар, "Эна юрт", "Ҳақиқат", "Сени Озод кўрсам она Туркистон", "Биз тамонга хуш ҳаво келмайдим", "Кўрқма болам", "Бечора халқ", "Етар бас ҳаддан ошгандир", "Уйғон ўғлоним", "Фарғонадан бошланур", "Ватан вайронадир", "Сен йиғлама юрагим", "Зиндонда яшайман", "Темури бобо байроғингни бер", "Бечора халқ", "Ватанда беватан бўлдим", "Қарзинг кўпмиш давлатдан", "Мен ҳаргиз тушмадим Қора руйхатдан", "Вой элим", "Адо бўлган манзилим", "Уйғонгин болам", "Ё фалак бу юртнинг айт ботирлари ҳам борми?". Бу кўшиқлар Чўлпон, Рауф Парфи ҳамда Юсуф Жума шеърлари ва ўзининг шеърларимга ўзим басталаган кўшиқларим эди.

1917 йилларда юртимизда бошланган ва давом этган озодлик учун курашлар ҳамда унинг қаҳрамонлари ҳақида кўшиқлар айта бошладим. Биринчи кўрбошимиз Эргашбек ҳақида, Мадаминбек ва Омон Полвон ҳақида, Шерматбек, Иброҳимбек ва бошқа миллий қаҳрамонларимизни мадҳ этиб талай кўшиқлар айтдим. Миллий озодликни орзу қилдим, айниқса, Совет давридаги зулм истибодга қарши нафратларимни озодликка бўлган интилишларимни доду фарёдлар айлаб куйладим.

Менинг кечмишларимда кўпгина ажойиб ғаройиб ва зиддиятли, тўғрироғи, сиёсий воқеалар ҳам бўлиб ўтган, уларни айтсамми айтмасамми?! Баъзи бирларини айтмасам бўлмас.

1988 йил 11 ноябрь куни мен ўз хонадонимда ёш авлодни Ватанга муҳаббат, Ватан севарлик руҳида тарбияловчи, охир оқибат Совет тузуми ва унинг босқинчилик сиёсатига қарши курашувчи, кейинчалик Миллий Озодлик Ҳаракатига айланиб кетадиган бир Халқ жаҳасининг Ташаббус гуруҳини тузиб, узоқ йиллар миямда ғовланиб юрган режани яхши ният билан амалга оширган эдим. Бу ташаббус гуруҳини тузгунча икки йил бадалида қанча азоб укубатларни чекканман, не чоғлик қийналганман, қанча таъна маломатлар эшитганман, фақат ўзимга аён. Менинг мақсадимни кўпчилик тушунмаган ҳатто, менинг устимдан кулиб мени мазақ қилганлар ҳам бўлган. Ҳатто зиёлилар менинг ҳаракатимни тушунмаганлар. Муҳаммад Солиҳ деганлар ҳам менинг бу сўй-ҳаракатимга хайрихоҳлик билдирмаган, мени кўллаб қувотламаган. Болтиқ бўйида Саюдис халқ жаҳаси тузилгандан сўнггина менинг ҳаракатимни озгина тушуниб мени кўллагандай бўлган эди.

Менинг хонадонимга таклиф қилинган шоир, ёзувчи, рассом ва олимлардан иборат йигирма кишидан ўнтаси ташаббус гуруҳига аъзо бўлишди, аммо Муҳаммад Солиҳ деган Ташаббус гуруҳига ўша куни кўшилса ҳам, 1 ой ўтар-ўтмас, ундан чиқди. У ўша куни йиғинга ҳам кеч келган эди. У ўзи билан бирга Юрий Ласкин деган яхудий шоирни ҳам етаклаб келган эди. Ўша куни халқ жаҳаси деб аталган ҳаракатимизнинг Ташаббус гуруҳига кирганлар қуйидагилар эди: Рауф Парфи, Дадахон Ҳасан, Муҳаммад Солиҳ, Юрий Ласкин, Фуломқодир Турсунов, Зоҳир Аълам, Тоҳир Каримов, Аҳмад Аъзам, Абдурахим Пўлат, Қаҳрамон Фуломов, Усмон Азим ҳамда Дилором Исҳоқлар эди.

Ана шу йиғилишдан кейин анча ҳаяжонландим, шекилли, белимни маҳкам боғлаб ишга киришиб кетдим. Водий бўйлаб ҳаракатнинг шўбаларини туза бошладим. Ишни Кўқондан бошладим, Кўқонда Низомидин Аҳмедов исмли йигитнинг аввал доврўғини эшитиб, сўнгра уни қидириб топиб, "Сиз шаҳарда таъсис мажлиси бўлгунга қадар ҳаракатнинг Кўқон шаҳри бўйича раисисиз, атрофингизга хайрихоҳларни йиғаверинг" деб тайинладим. Бу жараёнда менга Фазлиддин укамиз ёрдамчи бўлди. Орадан уч тўрт кун ўтгач Наманган шаҳридан излаб излаб Абдулла Жаббор исмли шоир йигитни топдик. Менга бу жараёнда Обидхон исмли укамиз ёрдам берди албатта. Марғилондан Абдиҳалим номли йигитни топдик ва унга одатдагидай топшириқлар бердим. Фарғонада вилоят бўйича вақтинча раислик қилувчини топиш осон кечмади, кўп қидирдик қидирдик, ниҳоят Олимжон Исмоилов укамиз ёрдамида Баҳромжонни топдик. Ойнинг охирида эса Андижонга ўтдим у ерда вилоят бўйича вақтинча раисликка Бокибилло укамизни тайинлаб кўнглим бироз таскин топиб Тошкентга кайтдим.

Бу тузилаётган ҳаракат ҳали шаклланиб туриб, секин аста ўз тусини ўзгартира бошлади. Ҳаракат, не сўз билан айтиш, мендан тортиб олинган эди. Ҳаракатимизнинг бошланишида ичимизда КГБнинг хуфийлари анчагина бор экан, шу боис ҳаракатимиз амал мансаб учун курашувчи амалпарастлар, зўравон муттаҳамлар ҳаракати айланиб кетган эди. 1989 йил 28 май куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биносида бўлиб ўтган ҳаракатимизнинг таъсис Қурултойида техника фанлари доктори,

профессор Абдурахим Пўлатов ҳаракатимизга бир овоздан раис бўлиб сайланди. Ҳаракатга Абдурахимни Рауф Парфи ва Дилором Исоқовалар таклиф қилган эдилар. Муҳаммад Солих таҳаллусли Салай Мадамин деганлари ҳаракатга аъзо бўлиб кирди, аммо ўзини анча четда тутди, чунки у пайтда ҳали Совет Давлати кучда эди-да.

Ислом Каримов ҳокимиятга келгандан кейин, Муҳаммад Солих ўзгарди ва лидерликни қўлга олиш ҳаракатига тушди. Тезда маълум бўлдики, у Ислом акаси билан яширинча учрашиб, тўла унинг хизматига ўтган экан. У Совет давлатининг пропаганда идорасида бел боғлаб, сидқидилдан хизмат қилар эди. У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котибларидан бири эди. Москвада ўқиб советизм ғояси билан суғорилган байналминалчи эди. У совет одами эди, агар ҳаракатга юқорининг хабарисиз кирса эди, у албатта амал мансабдан хайдаларди, кўчада қоларди.

Хуллас, ўша қурултойда ҳаракатнинг номи "Бирлик" деб номланди. Мен ҳаракатнинг номини МОХ, яъни Миллий Озодлик Ҳаракати деб номламоқчи эдим, аммо менга сўз беришмади. Салай Мадамин Президентнинг қабулида бўлган кунидан бошлаб Президент Ислом Каримовнинг музикасига рақс ўйнаб, унинг югурдагига айланди. У аллақачон акасининг оғушига кириб улгурган эди ва албатта акасига берган ваъдасига биноан ҳаракат ва унинг раҳбари Абдурахим Пўлатга қарши курашни тантанали равишда бошлаб юборди. Каримов уни гипноз қилган бўлиши мумкинки, у кўча юришларимизга қарши тиш тирноғи билан курашди. Ҳаракатимизнинг митингларида қатнашмади. Аммо, 1989 йил 10 сентябрга чақирилган 100 минг кишилик митингни, "Бирлик" раҳбариятида ўзига боғлиқ бўлган ёзувчилар кўплигидан фойдаланиб, қолдиришга ва бу ҳақда телевидение орқали эълон берилишига эришди.

Юқорида айтганимдек, Салай Мадамин акахонига кайф устида 10-чи сентябрга белгиланган номойишни тўхтатиб, "Бирлик"ни тарқатиб йўқ қилиб бераман деб сўз берган эди. Чунки Ислом Каримов уни чиройлик қилиб алдаган эди. Мен сенга катта бир амал бераман, унча сени тарбиялайман, фақат сендан бир хизмат бўлади, анови Бирлик-сирлик деган нарсани ва уни номойишларини йўқотиб берасан, анови Пўлатов деганни раисликдан йўқотинглар, ундан кейин мен сенга дўст ва қадирдон бўламан ва биргалашиб бирга ишлаймиз, кейинги йилларга хоҳласанг сайлов киламиз. Сенинг Президентликка номзодингни ўзим кўяман, мен аллақачон чарчадим, нима дейсан, бу гап сенга маъқулми?! Мана шу мақсадларга эришмоқ учун кел юзта юзта отамиз. Ана шундай шакарғуфторликдан сўнг Солихбой эриб кетиб, яйраб яшнаб Каримов акасининг ҳамма илтмосларига "хўп бўлади, бажарамиз" деган бўлиши муқарар. Ниҳоят, Соликой президент акасига берган вадасини адо этишга киришди.

Биринчи галда "Бирлик"нинг Марказий кенгаш мажлисини ўтказишга эришди. 8 октябрь куни бўлган Марказий Кенгаш мажлисида менинг уйимда тузилган Ҳаракат бўлиниб кетди. Абдурахим Пўлатовга қарши иғвоғорона хат уюштирилди. Бу ёзилган иғвономани кенгаш йиғилишида Тоҳир Каримов қаро терга ботиб аранг ўқиб эшиттирди. Залда бақир- чақир, норозилик, қичқириқлар янграб кетди. Бу хатдан барча делегатлар норози бўлишди, мажлис аҳли Соликойдан нафратланди ва Абдурахимни қўллаб-қуватлашга тушди. Ниҳоят Соликой ва унинг енгилган камандаси мажлисни шармандаларча ташлаб чиқиб кетишди.

Курашчи дегани шунақанги сотқин хоин бўладими?!

Муте бўладими бир бутилка ароққа, ёки бузуқ аёлга ўхшаб ширин сўзга эриб, рози бўлиб, майли деб кетаверадими?!

Алҳазар алҳазар, ҳар қандай шароитда халқ билан бирга ҳаракатнинг ичида бўлмайдими?! Унинг раҳбарлигида Каримовнинг ёрдами билан "Бирлик" ва унинг митинг-номойишлари барбод этилди. "Бирлик" тугатилди ҳисоби, президент Ислом Каримов бизнинг йиғинларимиздан, номойишларимиздаги вазоҳатимиздан, кунлар сайин сафларимиз ўсиб боришидан, ҳаракатимиз довруги ҳатто Ўрта Осиё бўйлаб тарқалиб кетганлигидан ғоятда хавфсиз ваҳимага тушиб кетгандир, балки, шу боис қандай қилиб бўлмасин ҳаракатимизни йўқ қилиш пайига тушган эди. Бунинг учун у биринчи галда қатъиятсиз, йўлга юрғизса бўладиган, алдовга юрадиган, юмшоқ Муҳаммад Солих билан тил бириктириб, уни ишга солишни режа қилгандир. Каримов мақсадига эришди, биринчи ғалаба қўлга киритилди, "Салай қўлимда уни охиригача ўйнатаман" деб хаяжонланди. Ўртоқ Каримов Салайга ҳиммат қилишни бошлади. Унга мукофотлар берилди бошланди, жумладан иккита квартира, енгил автомашина совға қилинди кечагина кўчада юрган латтабош Салай ҳатто учаскалик бўлди. "Бирлик" тугатилди ҳисоб.

1990 йил апрел ойида Каримов кўрсатмаси билан "Эрк" номли партия тузилди. Куйбишев район ижроқўм биносидан хоналар ажратилди, унинг "Эрк" номли чўнтак партияси эрта кунда рўйхатга олинди ва партиянинг "Эрк" деган газетаси нашр этила бошлади. Салай Мадамин раҳбарлигида, Ислом Каримов кўмагида "Бирлик" ҳаракати ва унинг номойишлари қисман тугатилиб, фаоллари қамоқларга ташлангач, президент Каримов Салайнинг хизматларини янада муносиб тақдирлади. Ваъдага мувофиқ келажақдаги президентлик сайлови муқобил шаклда бўлсин дея унинг президентликка номзодини Каримовнинг ўзи қўйди. Ислом Каримов истаги билан Ўзбекистон парламентига депутат этиб сайлантирилди ҳам. Айниқса депутат бўлган кунидан бошлаб, сиздан у гина биздан бу гина деганларидай, Каримовга ўта садоқат билан хизмат қила бошлади. Кўрмаганни кўргани курсин деганларидай, у Каримов билан апоқ чапоқ бўлиб кетди. Ана шу қадрдончилиги яқинлиги эвазига унга катта бир лавозим таклиф этилди, аммо бу лавозим унга кичиклик қилдимми ёки янада каттароғини кўзладими, ҳар ҳолда, у дастёрликда давом этверди.

Бу унинг энг катта ва мудҳиш хатоси эди. Президентни кўкларга кўтариб мақтайверди. Солих аллақачон президентнинг суюкли сирдошига, сайроқи маддоҳи, сарой тўтисига, энг яқин дўстига айланган эди. Шу боис у золим президентни чин юракдан ҳар доим ҳимоя қилди, бирга тушлик қилишди, бирга каняк ичишди. Президент йўлланмаси билан ҳукуматнинг шоҳона дам олиш уйларида, санаторияларида эру хотин роҳатжон дам олишди. "Бирлик"ка қарши кураш учун куч йиғиб келди, ниҳоят парламентадаги мухолифатга ҳам қарши астойдил курашни давом эттирди. Президентнинг тақдири парламентадан танг аҳволда қолиб, унинг келажаги барбод бўлаётган бир пайтда уни ҳимоя қилиб ҳалоқатдан қутқариб қолди. Шу воқеадан кейин Солихнинг тили янада бурро бўлиб акасининг пинжига чуқурроқ кирабошлади. Телевизор экранида ўзини кўз кўз қилиб биз бирликчиларга қарата тош отди. Бизларни ёмон отликқа чиқарди, бизларни кўча чангитувчилар, шуҳратпарастлар деб ҳақорат қилди. У севикли акаси билан бирлашиб бизнинг барча ҳаракатларимизнинг, айниқса, Абдурахим Пўлатовнинг душманига айланди. Бизга тиш тирноғи билан қаршилиқ қила бошлади.

Ўша йиллари, эмоқнинг қусмоғи бор деганларидай, Тошкентнинг ғалаба боғида қуриляётган Миллий банк қурулишида қилган

оғир жиноятлари учун, тўғрироғи ўғирликлари учун ўзига қарши жиноий иш очилгач, қурувчи Фахридин Худайкулов эрта кунда хорижга қараб биринчилардан бўлиб жуфтакни ростлаб қочиб қолди. Ҳаракатимиз ичида шунақанги ўғри қаззоб товламачи фирибгарлар ҳам анчагина бор экан. Биз соддалар уларни ўзимизга ўхшаган оддий муҳолифатчи деб юрган эканмиз.

Алҳазар алҳазар..., хуллас Салайнинг касри ила ўзбек халқи йигирма етти йил қулликни бошидан кечирди. Хорижларга чиқиб кетишга мажбур этилди, хору зорликда мардикорлик қилди. Ўзбекистондаги қамоқхоналар маҳкумлар билан тўлиб тошиб кетди. Мамлакатнинг бузилмаган жойи қолмади. Президент Каримовнинг, албатта Салайнинг ҳам, мақсадлари айна шу эди. Улар ўз мақсадларига эришдилар. Ўшанда Салай "Бирлик"га ва унинг номойишларига қарши акахони билан бирлашиб, "Бирлик" ва унинг ҳаракатларини барбод этмаганда эди, Салай халқ билан бирга бўлиб элим юртим деганда эди, озгина президентлик лавозимига одамрок, миллатини тайини боррок, миллиятчироқ, эл юрт ватан учун ўзини фидо қиладиган чинакам президент сайланарди. Ана унда Ўзбекистон гуллаб яшнаб, ҳақиқий Ўзбекистон гулистон бўларди.

Менинг ватанамиз она Туркистон ва ўтмишдаги миллий қаҳрамонларимиз ҳаққида куйлаган қўшиқларим Америкада яшовчи ўзбекларимизга маъқул бўлган экан, улар мени ниҳоят Америкага таклиф этишди. Мен уларнинг даъвати билан 1991 йилнинг октябрь ойида Америка Қўшма Штатларида меҳмонда бўлдим. Американинг Нью-Йорк, Вашингтон, Нью-Жерси шаҳарларида бўлиб мен ҳамшарларни Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги билан биринчи бўлиб муборақбод этдим. Бу ерда яшовчи ўзбеклар билан танишдим, меҳмонда бўлдим. Булар менга кўп эҳтиром кўрсатишди. Ҳамюртларга албатта ўзимнинг ижтимоий-сиёсий қўшиқларимдан куйлаб бердим. Мен улардан, улар мендан мамнун бўлишди. АҚШ да бир ойлик сайру саёҳатимдан сўнг ноябрь ойи бошларида Ватанга шод-хуррам қайтиб келдим.

Ниҳоят 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистонда президентлик сайлови бўлиб ўтди. Солиҳчилар лозимини хўллаб қўйишди. Соливой мағлуб бўлган эди. Соливойни мағлуб бўлиши аён эди, бунини ўзи ҳам билганди, лекин начора нотавон кўнгил эканда, Соливойнинг президент бўлгилари келибдида, сайловнинг эртасигаёқ "соличилар" президент девонига ишга кириб кетиша бошлашди. Солиҳ жаноблари эса начора кўчада қолди. Устига устак, Каримов ўртадаги "дўстлик кўприги"ни аллқачон бузиб ташлаган эди. Шу боис Каримов кўрсатмаси билан Соливой Ички Ишлар вазирлиги ертўласидаги қамоқхонани уч кун зиёрат ҳам килди.

Ўша ертўлада алам чекиб ўлтирганида у алданганлигини, Каримовнинг қўлида кўғирчок бўлганлигини ниҳоят англаб етгандир. Эшакка ҳам дўланами деганларидай, тўғрида, Салай Мадаминга ким қўйибди президентликни. У ким ўзи, тўртта муҳолифатчининг бошини ковуштиролмайдю 32 миллионлик аҳолини қандай бошқаради. У аввал бошдан чучворани хом санаган бўлиши мумкин. Ниҳоят у бу юртда ёлғиз қолганлигини ҳис этиб англаб, орадан бирон йил ўтгач хорижга кетишга қарор қилди. Унинг шотирлари Сариеғоч чегара постидан Қозоғистон ҳудудига ўтказиб қўйишди, кейинчалик Салайни чегарадан ўтказиб қўйган Салайнинг меҳрибонлари қамалиб ҳам чиқишди. Салайнинг ўзи эса Озорбайжон орқали Туркияга қочиб қолди.

(Давоми бор)



[« Олдинги хабар](#) [Хабарлар рўйхати](#) [Кейинги хабар »](#)